

"Ўзкимёсаноат стипендияси" учун ҳужжатлар қабули бошланди

// 18 sentabr 2023 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-stipendiyasi-uchun-huzhzhatalar-qabuli-boshlandi>



Талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзкимёсаноат стипендияси" таъсис этилганлигидан хабарингиз бор. Тошкент кимё-технология институти ҳамда Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали талabalari мазкур стипендия соҳиби бўлишилари мумкин.

"Ўзкимёсаноат стипендияси"ни қўлга киритиш учун номзодлар ўз ҳужжатларини жорий йилнинг 24-сентябрига қадар қўйидаги ҳавола орқали тақдим этишлари талаб этилади:

https://docs.google.com/forms/d/e/1FAIpQLSdd4yt3Jm8f7itN_3YvcVapoLOeemA_Ch3udlakHjgXO2Cy0A/viewform

Қуидаги йўналишларда таҳсил олаётган талабалар учун стипендия белгиланади:

- Кимёвий технология -18.03.01;
- Техносфера хавфсизлиги - 20.03.01;
- Материалшунослик ва материаллар технологияси - 29.03.04;
- Материалларга бадиий ишлов бериш технологияси - 29.03.04;
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) - 5311000;
- Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) - 5320400;
- Нефт-газкимё саноати технологияси - 5321300;
- Газни чуқур қайта ишлаш технологияси - 5322200;
- Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) - 5630100;
- Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) - 5А320401;
- Катализаторлар ва абсорбентлар технологияси -5А320402;
- Юқори молекулали биримлар кимёвий технологияси (турлари бўйича) 5А320405;
- Кимёвий ва нефт-газ кимёвий технологиялар - 5А321401;
- Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) - 5А630101.

Юқори босқич талабалари учун таълим фаолиятида юқори кўрсаткичлар (охириги 2 (икки) семестер давомида, 1-босқич талабалари учун (охириги 1 (бир) семестер рейтинг кўрсаткичи "аъло" (85 баллдан юқори натижга) бўлиши талаб этилади.

Қуидаги ҳужжатлар баҳолаш жараёнида қўшимча балл олишга асос бўлади:

- Тадқиқот ва (ёки) инновацияларда юқори кўрсаткичлар (республика, вилоят ҳамда халқаро олимпиядалар ва талабалар конференсияларида илмий мақолалари, совринларининг мавжудлиги).
- Чет тилини билишини тасдиқловчи IELTS (6,5 баллдан паст бўлмаслиги лозим) ёки бошқа шу турдаги сертификатга эга эканлиги.

Танловда иштирок этиш учун талаба ушбу ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

Мажбурий ҳужжатлар:

- фуқаролик паспорти ёки ИД нусхаси;
- 2 дона (3x4 ҳажмдаги) расм;
- Рейтинг дафтарчадан кўчирма (ректор ёки ректор ўринбосари томонидан "аслига тўғри" белги билан муҳр босилган нусха);
- ректор номидан талаба тўғрисида тавсифнома;
- талаба томонидан келажак 5 йиллик режаси тўғрисида ёзилган иншо.

Қўшимча ҳужжатлар:

- талабанинг бошқа ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар (маҳсус курсларни тамомлаганлиги, ИЕЛТС ва бошқа дипломлар);
- тадқиқот ва (ёки) инновацион фаолиятидаги юқори кўрсаткичларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Ўқишини тамомлагандан сўнг З ой ичидаги стипендия совриндорлари "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг кадрлар захирасига киритилиши "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти таркибига кирадиган ҳар қандай корхонага ишга жойлаш устуворлигига эга бўлиши билан танишганлигини тасдиқлаган ҳолда талабанинг розилиги тўғрисида ёзма ариза